

“ХИТОЙ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” САММИТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-753-757>

Базарова Фаёза Тўхтамуродовна

Доцент

Тошкент молия институти

f_bazarova@tfi.uz

***Аннотация.** Мақолада Хитой ва Марказий Осиё давлатларининг ўзаро манфаатли ва кенг қамровли алоқаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига баҳо берилган. Хусусан, Хитой томонидан илгари сурилган “Бир камар, бир йўл” стратегик лойиҳасининг Хитой ва Марказий Осиё давлатлари учун аҳамиятли ва манфаатли жиҳатлари ёритилган. Хитой ва Марказий Осиё саммитининг ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтишига ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланган.*

***Калим сўзлар:** Хитой – Марказий Осиё саммити, минтақавий хавфсизлик, иқтисодий манфаат, “Бир камар, бир йўл” ташиббуси, ривожланиш стратегияси, интеграция, энергетика, транспорт.*

ECONOMIC ASPECTS OF THE "CHINA-CENTRAL ASIA" SUMMIT

Bazarova Fayoz Tokhtamuradovna

Associate professor

Tashkent Financial Institute

f_bazarova@tfi.uz

***Annotation.** The article evaluates the current state and development prospects of mutually beneficial and comprehensive relations between China and the Central Asian countries. In particular, the important and beneficial aspects of the "One Belt, One Road" strategic project put forward by China for China and Central Asian countries are covered. It was noted that the summit of China and Central Asia will have a positive effect on the further expansion of mutual economic relations.*

***Key words:** China-Central Asia Summit, regional security, economic interest, "One Belt, One Road" initiative, development strategy, integration, energy, transport*

2023 йил 18-19 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) Шанси провинциясида жойлашган Сиан шаҳрида бўлиб ўтган “Хитой – Марказий Осиё” форматидаги саммит иштирок этувчи давлатлар учун юқори аҳамиятга эга

бўлиб, жорий йилда Хитойда ташкил этилган энг йирик дипломатик тадбир бўлди. Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳатларидин бири шундан иборатки, бундан 31 йил аввал Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилган даврдан буён ушбу мамлакат етакчиларининг биринчи учрашувидир [uza.uz: 1]. Саммитда ХХР раиси Си Цзиньпин, Тожикистон президенти Э.Раҳмон, Туркманистон президенти С.Бердимухаммедов, Қирғизистон президенти С.Жапаров, Қозоғистон президенти Қ.Тўқаев ва Ўзбекистон президенти Ш.Мирзиёевлар иштирок этдилар.

Саммит кун тартиби Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг барча йўналишларини қамраб олган бўлиб, шунингдек, ўзаро манфаатлар кесишган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикрлар алмашилади. Бизнинг фикримизча “Хитой – Марказий Осиё” саммитининг бугунги кунда ташкил этилишининг бир қанча сабаблари мавжуд.

Биринчидан, ХХР ва Марказий Осиё давлатлари ўзларининг ривожланиш тарихларида ўта муҳим даврни бошдан кечирмоқдалар ва географик жиҳатдан кўшни ҳисобланган давлатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш режаларини мувофиқлаштиришга интилишлари табиийдир. “Хитой – Марказий Осиё” саммити ХХР ва минтақа давлатлари ўртасидаги стратегик ўзаро ишончни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ушбу ҳатти-ҳаракатлар натижасида Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари дўстона кўшничилик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларига эришдилар [fmprc.gov.cn: 2].

Иккинчидан, “Хитой – Марказий Осиё” саммити Хитой томонидан илгари сурилган “Бир камар, бир йўл” стратегик лойиҳасини амалга ошириш жараёнларига янги туртки беради. Биз биламизки, Марказий Осиё давлатлари бу ташаббусни биринчи бўлиб очик қўллаб-қувватладилар ва “Бир камар, бир йўл” курилишида биринчилардан бўлиб ҳамкорлик қилдилар. Натижада, Хитой ва минтақа давлатлари ўзларининг ривожланиш стратегиялари, сиёсий алоқалари, савдо-сотик, транспорт, молиявий интеграция ва гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришди [Кизилай: 3].

Учинчидан, саммит минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Кейинги йилларда халқаро майдонда кузатилаётган сиёсий бўҳронларнинг ошиб бориши, етакчи давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, турли “куч марказлари” томонидан кузатилаётган агрессив ҳатти-ҳаракатлар кўламининг кенгайиб бориши шароитида Хитой ва Марказий Осиё давлатлари саммити доирасида хавфсизлик масалаларининг долзарб йўналишлари бўйича ўзаро фикрлар алмашилди. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг истиқболдаги ривожланиши бутун минтақанинг тинч тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Томонлар минтақавий хавфсизлик масалаларини таъминлаш ўта муҳим масала эканлигини қадрлаган ҳолда, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш йўллари хурмат қилади, бир-бирининг асосий манфаатларига дахлдор

масалаларда бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлайди, ташқи кучларнинг мамлакатларнинг ички ишларига аралашувига қатъий қарши чиқади, ҳеч қайси ва ҳеч қандай кучнинг Марказий Осиёда муаммоларни яратишига йўл қўймайди. Сиан шаҳрида бўлиб ўтдиган саммитда давлатлар раҳбарлари Афғонистон ва бошқа ўткир минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашишлари билан бирга тадбир якунида халқаро ҳамжамиятга халқаро муносабатлардаги барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган даъват билан чиқишди.

Саммит майдонларида ХХР раиси Си Цзиньпиннинг Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари билан иккитомонлама учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу учрашувларда Марказий Осиё давлатларининг ХХР билан боғлиқ муҳим иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар муҳокама қилинди. Жумладан, Туркменистон Хитойга газ етказиб берувчи газ қувурларининг кейинги навбатини қуриш масаласи бўлса, Қозоғистон эса фуқаролар томонидан ўзаро чегараларни визасиз кесиб ўтиш тўғрисидаги масалалари бўйича музокаралар олиб бордилар.

Ўзбекистон ҳам “Хитой – Марказий Осиё” саммитида иштирок этар экан, минтақада узоқ муддатли иқтисодий ўсиш, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликни янада мустаҳкамланишидан манфаатдордир. Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасининг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузининг ортиб бориши билан бирга, минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ “оғриқли нуқталар” ўз ечимини топмай келаяпти. Афғонистонда тинч ҳаётни таъминлаш, гиёҳванд воситалар транзити ва савдоси, диний ва мафкуравий экстремизмни олдини олиш шулар жумласига киради. Ушбу масаланинг ечими минтақа мамлакатларининг ўзаро келишган ҳатти-ҳаракатларини талаб этиб, барча мамлакатларнинг манфаатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон делегацияси саммит кун тартиби доирасида ташкил этилган муҳокамаларда айнан минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалларида фаоллик кўрсатди.

Ўзбекистон “Хитой – Марказий Осиё” саммитининг кўп томонлама форматидан унумли фойдаланган ҳолда Хитой билан икки томонлама муносабатларни ҳам юқори қадрлайди. Бунинг асосий сабабларидан бири, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларда икки давлат ўртасида эришилган муносабатларнинг юқори даражасидир. Ҳақиқатдан ҳам Хитой бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо шерикларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишда Хитой саноат маҳсулотлари ва технологияларининг улуши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хитой инвестицияларининг ҳажми ва Хитой капитали иштирокида ташкил этилаётган корхоналар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хитой капитали бугунги кунда асосан нефть ва газ, кимё, қурилиш материаллари, фармацевтика, аграр сектор, енгил саноат, алоқа ва ахборот технологиялари соҳаларида фаол кенгайиб бормоқда [Хакбердиев: 4].

Иқтисодий алоқалар билан бирга ижтимоий ва гуманитар соҳаларда ҳам алоқалар жадал кенгайиб бориши кузатилади. Жумладан, бугунги кунда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Хитой тилини ўргатишга мўлжалланган Конфуций институти фаолият олиб боради. Тошкент давлат шарқшунослик университети нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда синология йўналишида таълим ва илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга ихтисослашган ягона таянч университет ҳисобланади. Бугунги кунда университетда бир вақтнинг ўзида 700 нафарга яқин талабалар Хитой тили, маданияти, тарихи, иқтисодиёти ва сиёсатини ўрганиб келишади. Университетнинг кўплаб профессор-ўқитувчилари ва талабалари Хитойнинг нуфузли олий таълим муассасаларида малака оширишган ва таҳсил олишган. Икки мамлакат олимлари томонидан монография, дарслик ва илмий тадқиқот ишларининг кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда. Яқунланган 2022-йилда Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмасининг ҳажми деярли 70 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Шунингдек, мазкур даврда Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига киритган инвестициялари қарийб 15 миллиард АҚШ долларни ташкил этди. Айрим Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги визасиз саёҳат тартиби ҳам томонлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларни янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Дунёда кечаётган жадал трансформациялар шароитида Марказий Осиё давлатлари Хитойни минтақада барқарорликни таъминлашга ижобий таъсир кучига эга бўлган омил сифатида баҳолайдилар. Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига киритган инвестицияларнинг йўналишлари мамлакатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб турлича шаклланди. Хусусан, Қозоғистон ва Қирғизистонга киритилган инвестициялар асосан, энергетика ва транспорт соҳаларига бўлган бўлса, Ўзбекистонга йўналтирилган инвестициялар асосан, транспорт, энергетика, кўчмас мулк, металлар, кимё саноатига, Тожикистонга йўналтирилган инвестициялар асосан, транспорт, энергетика, кўчмас мулк ва Туркменистонга киритилган Хитой инвестициялари асосан, энергетика соҳасига тўғри келади [kun.uz: 5].

ХХРнинг Марказий Осиё минтақаси давлатларига киритган инвестициялари минтақа давлатларининг иқтисодий манфаатларига мос бўлиши билан бирга Хитой учун ўта манфаатли ҳисобланади. Хусусан, Хитой лойиҳалари ортида ушбу мамлакатнинг пудратчи компаниялари учун буюртмалар, янги иш ўринлари, Хитойда ишлаб чиқарилган ускуна, товар ва хизматларнинг янги бозорларга йирик ҳажмлардаги экспорти туради. Шунингдек, қабул қилувчи давлатлар томонидан, одатда, Хитойдан олиб кириладиган ускуна ва товарлар учун имтиёзли солиқ ва божхона режимлари қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари барқарор ривожланиб бормоқда. Ушбу муносабатлар ўзаро

иктисодий манфаатларга мос келади ва Марказий Осиё давлатлари олдида турган мамлакатларни модернизация қилиш вазифасидан келиб чиқиб, яқин ва ўрта истиқболда кенгайиб бориши кутилади. Сиан шахрида бўлиб ўтган “Хитой – Марказий Осиё” саммити айнан иқтисодий муносабатларни янада ривожланиши учун катта имкониятларни тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Эксперты: Китай и страны Центральной Азии откроют новую страницу в истории взаимоотношений. https://uza.uz/ru/posts/eksperty-kitay-i-strany-centralnoy-azii-otkroyut-novuyu-stranicu-v-istorii-vzaimootnosheni_484375
2. Хитой Халқ Республикасининг Ташқи ишлар вазирлигининг “Хитой – Марказий Осиё” саммитига бағишланган расмий баёноти. https://www.fmprc.gov.cn/rus/zxxx/202305/t20230519_11080362.html
3. Сейма Кизилай. Значительная роль Китая в Центральной Азии. <https://www.ankasam.org>
4. Хакбердиев К.К. НОВЫЙ ЭТАП РАЗВИТИЯ ШОС: СТАБИЛЬНОСТЬ И ПРОЦВЕТАНИЕ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/novyy-etap-razvitiya-shos-stabilnost-i-protsvetanie> (дата обращения: 11.10.2023).
5. Китай безвозмездно выплатит странам Центральной Азии \$3,72 млрд. <https://kun.uz/ru/news/2023/05/19/kitay-bezvozmezdno-vyplatit-stranam-tsentralnoy-azii-372-mlrd>